

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерациясининг Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Ўзбекистон  
Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ўртасида  
ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2023-2025 йиллар учун  
ҲУДУДИЙ ЖАМОА КЕЛИШУВИ**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги (бундан буён – “Ҳокимият”), Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар Кенгаши (бундан буён – “Касаба уюшмалари”), Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси (бундан буён – “Иш берувчилар”) кейинги ўринларда “Тарафлар” деб аталувчи мухтор вакиллар тимсолида:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларига амал қилиб;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мустақил Ўзбекистон манфаатлари устуворлигини эътироф қилиб;

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясига амал қилган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини қўллаб қувватлаб;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан қўйилган: иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ривожлантириш, иқтисодий салоҳиятни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни изчил амалга ошириш, тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлиги ва фаолияти самарадорлигини кучайтириш асосида аҳоли турмуш даражасини кўтариш вазифаси сўзсиз бажарилиши лозимлигини тасдиқлаб;

давлат, иш берувчилар ва ходимларнинг ижтимоий масъулияти ва улар ўртасидаги ижтимоий мулоқот муҳимлигини эътироф этган ҳолда;

ходимлар ва иш берувчиларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳоли ҳаёт даражасини муттасил ошириб бориш, жамиятда ижтимоий тотувлик ва барқарорликни сақлаш борасида самарали ҳамкорликни кучайтириш мақсадида ижтимоий шериклик тамойилини амалга ошира бориб;

Тошкент шаҳрида келишилган ҳолда ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб боришнинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи мазкур Ҳудудий жамоа келишувини туздилар (бундан буён “Келишув”) ва ўз зиммаларига қуйидаги йўналишлар бўйича мажбуриятларни олдилар.

**I. Иқтисодиётни, маҳаллий ишлаб чиқаришни ҳамда тадбиркорликни  
ривожлантириш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармон билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси”да Миллий иқтисодиётни жадал

**Toshkent shahar Bandlik  
bosh boshqarmasi  
Qabul qilindi 26/09-03/03-2810  
" 29 " 12 20 22 й**

ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш борасида белгилаб берилган чора-тадбирлар ўз вақтида ва сўзсиз бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида Тарафлар келгуси даврда қуйидагиларни ўта муҳим деб ҳисоблайдилар:

**1.** Иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш, саноатни ва ташқи савдони диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, тайёр маҳсулот экспортини рағбатлантириш билан бир қаторда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш чораларини жорий этиш ҳисобига миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ва барқарорлигини оширишга доир ишларни ҳамкорликда олиб бориш.

**2.** Иқтисодиётда хусусий мулк улушини ошириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, фаолиятнинг барча соҳаларида давлат иштирокини камайтириш бўйича ислохотларни янада чуқурлаштириш.

**3.** Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни - 1,6 баравар ошириш ҳамда “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш учун замин яратиш.

**4.** Иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш, ялпи ҳудудий маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган сиёсатни давом эттириб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш.

**5.** Электр энергияси таъминотида узилишларга йўл қўймаслик, “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш.

**6.** Рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш.

**7.** Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш.

**8.** Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш.

**9.** Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш.

**10.** Муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тизимини ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш.

**11.** “Обод маҳалла” дастурлари доирасида “ўсиш нуқталари”дан келиб чиқиб, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма объектларини куришга алоҳида эътибор қаратиш.

**12.** “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ишчи - хизматчиларнинг қадимий шаҳарларга саёҳатларини уюштириш ва бу кўрсаткични йил сайин ошириб боришга эришиш.

13. Барча транспорт турларини узвий боғлаган ҳолда ягона транспорт тизимини ривожлантириш, шаҳарлар ўртасида кунлик транспорт қатновлари асосида манзилга етиб бориш ва қайтиб келиш имкониятини яратиш.

## **II. Норма ижодкорлиги ишларида иштирок этиш ва ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш**

Меъёрий ижодкорлик фаолиятини такомиллаштириш ва ҳуқуқий ҳимоя механизмларидан самарали фойдаланиш йўли билан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, Тарафлар қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

14. Ходимларнинг меҳнат ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг иштирокини таъминлаш.

15. Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини амалиётга кенг жорий қилиш борасида қуйидагиларни биргаликда амалга ошириш:

меҳнат соҳасидаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги нормаларни қабул қилиш бўйича таклифлар киритиш;

аҳолининг Янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси ҳақида хабардорлигини ошириш;

16. Қуйидагиларга доир таклифларни биргаликда ишлаб чиқиш:

Бирлашган миллатлар ташкилотининг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро конвенцияси лойиҳасига;

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги, “Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида”ги Қонунлари лойиҳалари мазмунига;

“истеъмол саватчаси” ва “тирикчилик учун зарур энг кам миқдор” тушунчаларини қонуний тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилишга.

17. Меҳнат бозорини тартибга солиш соҳасида қонун билан ўрнатилган тартиб устидан назорат самарадорлигини ошириш, шу жумладан, қасаба уюшмалари инспекцияларининг иштирокини кенгайтириш йўли билан.

18. Ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар ва ишонч телефонлари тармоғини кенгайтириш, сайёр қабулларни жорий этиш орқали ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан аҳоли билан қайта алоқа механизми каналларини янада кўпайтириш.

19. Меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида қасаба уюшмаларининг тегишли идоралар ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси билан тизимли ҳамкорлигини таъминлаш.

20. Қасаба уюшмаларининг меҳнат қонунчилиги талаблари бузилган ҳолатлар бўйича киритган тақдимномаларини иш берувчилар (уларнинг



бирлашмалари) кўриб чиқишни ва ундаги талабларни бажарилишини таъминлашда кўмаклашиш.

**21.** Маълум бир соҳада ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида камида икки ой олдин тегишли тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашига ахборот тақдим этиш ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга ошириш. Касаба уюшмасининг таклифига биноан оммавий равишда ишдан озод этишни олти ой муддатгача тўхтатиб туриш.

**22.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси, шунингдек малака ошириш бўйича барча таълим муассасалари ўқув дастурларига “Халқаро ва миллий меҳнат стандартлари” мавзусида таълим курсларини киритиш.

**23.** Ходимлар, иш берувчилар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий саводхонлигини ошириш.

**24.** Халқаро меҳнат стандартларининг мазмун-моҳиятиини кенг тарғиб қилиш, уларнинг ташкилотларда ижроси юзасидан биргаликда мониторинг ўрнатиш.

**25.** Касаба уюшмаларининг Меҳнат инспекциялари тизимини янада мустаҳкамлаш, шу жумладан “Меҳнат М” Меҳнат низоларини ҳал этиш марказини ташкил этишни қўллаб-қувватлаш.

### **III. Меҳнатга ҳақ тўлаш, даромадлар ва аҳолининг турмуш даражаси**

Тарафлар келгуси даврда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оғишмай юксалтириб боришни, республика фуқароларини ижтимоий қўллаб қувватлашни кучайтиришни назарда тутувчи чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилиши зарур деб ҳисоблайдилар. Бу мақсадда Тарафлар қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

**26.** Меҳнаткашларнинг реал иш ҳақи ва даромадларини оширишга, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида меҳнат ҳақи улушини 40 фоиздан кам бўлмаган миқдорда сақлаб туришга доир чоралар кўриш.

**27.** 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар доирасида 2023 йилда йиллик инфляция даражасини 5 фоиз ҳамда фискал тақчилликни 3 фоизгача пасайтириш чоралари кўрилиб, кейинчалик инфляция ва Давлат бюджети тақчиллиги ушбу кўрсаткичдан ошмаслигини таъминлаб бориш, иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича амалий чораларини доимий равишда кўриб бориш.

**28.** Хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш учун асос сифатида Ягона тариф сеткасининг оширилган тариф коэффициентларини белгилашни жамоа шартномалари ва келишувлари орқали амалга ошириш.

**29.** Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг асосий ва қўшимча қисмлари ўртасидаги макбул нисбатни жамоа музокаралари натижасида ўрнатилишини таъминлаш.

**30.** Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тарифсиз тизимлари жорий этилишини тегишли тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши ёки унинг бўлинмаси билан олдиндан келишиб олинишини ҳамда ходимларнинг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ)ни баҳолашга бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти сайланма органи вакиллари жалб этилишини таъминлаш.

**31.** Мулк шаклидан қатъи назар барча ташкилотларда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сон қарори билан тасдиқланган “Ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иктисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффициентларини қўллаш тартиби ва уларнинг миқдорлари тўғрисидаги Низом” талабларини;

кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устамалар белгиланадиган ходимлар касблари ва лавозимлари рўйхати, шунингдек, устамалар миқдори иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси кўмитаси билан келишган ҳолда белгиланишини ва жамоа шартномасида кўрсатилишини;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, ҳамда Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг 2019 йил 22 январдаги 2-2019/ҚҚ, 9 ва 1/103-сон қарори билан тасдиқланган “Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги Низом” талабларини тадбиқ қилиш.

**32.** Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори стандартларига риоя этилиши, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари касаба уюшмаси кўмиталари билан келишувга биноан белгиланиши, иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган ушлаб қолишларга йўл қўйилмаслиги устидан давлат ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш.

**33.** Иш берувчи томонидан иш ҳақини ва бошқа тўловларни тўлаш муддати бузилган тақдирда, уларни тўлов муддатидан кейинги кундан эътиборан то ҳақиқатда ҳисоб-китоб қилинган кунни ўз ичига олган муддатгача ҳар бир кечиктирилган кун учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ўша вақтда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда фоизлар (пуллик компенсация) билан бирга тўланишини давлат ва касаба уюшмалари меҳнат инспекциялари томонидан назоратга олиш.

**34.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабр “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4939-сон Қарори асосида касаба уюшмалари томонидан ходимларнинг меҳнат малака даражасини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи тўланилиши устидан тизимли жамоатчилик назорати ўрнатилиши.

**35.** Илғор халқаро тажриба асосида меҳнатни меъёрлаштириш ва унга ҳақ тўлаш соҳасида меҳнат нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш.

#### **IV. Меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш**

Меҳнат бозорининг самарали фаолият юритишини таъминлаш ҳамда аҳолини иш билан таъминланганлик даражасининг юксалтирилишини ўз мақсади деб эътироф этган ҳолда Тарафлар янги иш ўринларини яратиш, кадрлар салоҳиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасида кучларни бирлаштириш зарур деб ҳисоблайдилар ва куйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

**36.** Бандлик йўналишлари, тармоқлар ва ҳудудлар кесимида аҳоли бандлиги йиллик дастурларини ишлаб чиқиш ва бажариш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаб бориш. Бунда барқарор иш ҳақини ва ҳавфсиз меҳнат шароитларини таъминловчи доимий иш ўринларини ташкил этаётган иш берувчиларни янада рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш.

**37.** Ўзини ўзи банд қилганларни ва яқка тартибдаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан мақсадли жамғармалардан олинган субсидиялар ва кредитлардан (ёки тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича бошқа чора-тадбирлардан) фойдаланиш самарадорлигини ҳамда улар яратган иш ўринлари самарадорлигини мониторинг қилиш.

**38.** Халқаро Меҳнат Ташкилотининг услубиёти бўйича ҳисоблаб чиқилган умумий ишсизлик иқтисодий фаол аҳолининг 5 фоизидан ошмаслигини таъминлаш, ишсиз фуқароларни касбий тайёргарликдан ўтказиш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек уларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинишини кенгайтириш.

**39.** Олий, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидан муддатли ҳарбий хизматдан қайтган шахслар, ёшлар, вояга етмаган фарзандлари бор аёллар, ногиронлиги бор шахслар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштирилишига ҳар томонлама кўмаклашиш.

**40.** Меҳнат бозорини таҳлил қилиш асосида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича мутахассислар тайёрлашни, таълим муассасалари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилиши ва иш ўринларида қўнимлилиги таъминланиши учун иш берувчиларни рағбатлантириш механизмларини жорий этиш.

**41.** Ижтимоий шериклар томонидан бандликнинг беқарор турларида банд фуқаролар ҳуқуқлари таъминланишига, хусусий бандлик агентликлари фаолияти устидан давлат ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйишга, касба уюшмаларининг ҳамда Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг вакиллари ҳокимликлар ҳузуридаги тегишли ишчи комиссиялар таркибига жалб этилишига кўмаклашиш.



**42.** Юридик шахсларнинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида иш жойидан бўшатишнинг ходимларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этилиши, уларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш.

**43.** Ишлаб чиқариш корхоналарида малакали кадрларга эҳтиёж юқорилигини инобатга олган ҳолда долзарб касблар (пайвандчи, электромонтёр, турли станокларни ишлатиш бўйича мутахассислар, хизмат кўрсатиш соҳасидаги мутахассислар ва ҳ.к.)га тайёрлаш бўйича қисқа муддатли инновацион ўқув курслар тармоғини кенгайтириш ва доимий равишда ривожлантириб бориш.

**44.** Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида ташкил этилган корхоналарда яратиладиган янги иш ўринларининг 7 фоизини захира қилиб қўйиш орқали касба уюшмалари ва Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг йўлланмалари асосида ушбу иш ўринларига иш топишда қийналаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни талаб мавжуд бўлган фаолият йўналишлари бўйича ишга жойлаштиришга кўмаклашиш.

**45.** Ёшлар, аёллар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун инклюзив ва адолатли иқтисодий ўсиш натижасида яратилган бандлик ва муносиб меҳнат имкониятлари тўғрисида аҳоли ўз вақтида ва ҳолисона хабардор қилинишини таъминлаш.

**46.** Ёшлар, хотин-қизлар ва банд бўлмаган аҳоли ўртасида касбга йўналтириш механизмларини тарғиб қилиш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, шу жумладан, Касбга йўналтириш ва мартабани ривожлантириш марказларини ташкил этиш орқали.

**47.** Меҳнат органлари ва Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги томонидан кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида аҳоли ва иш берувчиларнинг хабардорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари (ёшлар, аёллар, ногиронлар ва бошқалар)ни бўш иш ўринлари ярмаркалари орқали ишга жойлаштириш.

**48.** Хизмат кўрсатиш моделини такомиллаштириш, меҳнат бозоридаги фаол сиёсатни бошқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат органлари ходимлари меҳнати унумдорлигини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш орқали Давлат бандлик хизмати салоҳиятини кучайтириш.

**49.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 март “Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-149-сонли Қарорида белгилаб берилган вазифалар доирасида меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оила аъзолари учун ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш.

## V. Мехнат хавфсизлиги ва гигиенаси

Мехнат хавфсизлиги ва гигиенасини ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири деб ҳисоблаган ҳолда, Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

**50.** Мехнат хавфсизлиги ва гигиенаси тизимини жорий этиш, унинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлашда иштирок этиш.

**51.** Ижтимоий-мехнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиялар таркибида тузиладиган мехнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича ишчи гуруҳлар фаолиятини ташкилотларда мехнат шароитларини яхшилашга ва хавфсизлигини таъминлашга йўналтириш;

**52.** Ходимларнинг мехнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланишларини олдини олиш, шунингдек, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини бартараф этиш ишларини амалга оширишга эътибор қаратиш ва жамоатчилик назоратини тизимли йўлга қўйиш.

**53.** Мехнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда тармоқ келишувлари, жамоа шартномаларида кўзда тутилган, ходимларга яратилган мехнат шароитлари, саноат ва экологик хавфсизлик ҳолатини давлат назорат органлари билан ҳамкорликда текширишни амалда кенг қўллаш.

**54.** Ижтимоий-мехнат масалалари бўйича шаҳар уч томонлама комиссиясининг ваколати доирасида давлат ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш:

ташкилот раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан мехнат шароитлари ва хавфсизлиги, шунингдек, ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари тўғрисида тўлиқ ахборот олиниши;

корхона, ташкилот ва муассасаларда мехнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича тадбирларнинг молиялаштирилиши;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан давлат томонидан мажбурий ижтимоий суғурта қилинишини, шунингдек иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тизимини таъминланиши;

иш ўринларида мехнат шароитларининг ҳолати, айниқса зарарли ишлаб чиқариш омиллари ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари юзасидан назорат амалга оширилиши;

ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар белгиланадиган, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқи бериладиган, ногиронлиги бор шахслар банд бўлган зарарли, хавфли ва бошқача мехнат шароитларига эга иш ўринларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш ўринларининг мехнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилиши;



дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклар белгиланган тартибда ўтказилиши;

иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳолати юзасидан кўзда тутилган мажбуриятларини бажаришини ўрганиш;

ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва компенсацияларни берилиши, ҳамда уларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар берилгани, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан ва малака оширишдан ўтганлиги;

ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут, даволаш-профилактика озик-овқати, газланган тузли сув, шахсий ҳимоя ҳамда гигиена воситалари билан таъминланиши, шунингдек жамоавий ҳимоя воситалари қўлланилиши ҳолати;

ишлаб чиқариш объектлари ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланиш учун қабул қилиш комиссиялари ишида ҳамда тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида мустақил эксперт сифатида иштирок этилиши;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш натижадорлиги;

ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талабларининг бузилиши ва бахтсиз ҳодисаларни яширганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида ваколатли органларга мурожаат қилиниши;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича ваколатли вакилларни сайлаш, ўқитиш, ва уларни малакасини доимий равишда ошириб бориш, ҳамда жамоа шартномалари ва келишувларига улар ўз фаолиятини самарали амалга ошириши учун қулай шароитларни яратиш мажбуриятини киритилиши.

**55.** Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастурини тасдиқлаш, уни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича ишларни мувофиқлаштирилишини таъминлаш.

**56.** Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалаларининг муҳим ўрин тутиши ҳақида жамоат фикрини шакллантириш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали кенг тушунтириш ишларини олиб бориш.

**57.** Касаба уюшмалари тизимида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича жамоат назоратини ташкил этиш юзасидан уч томонлама ҳамкорларни жалб этган ҳолда Республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичини ташкил этиш ва ўтказиш.

**58.** Банд бўлган аҳолининг меҳнатини муҳофаза қилиш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида кишлоқ хўжалигида саноатда, қурилишда, алоқада,

ташиш ва сақлашда меҳнат муҳофазасига оид талаб ва меъёрлар стандартларини ишлаб чиқиш.

**59.** Ҳар йили 28 апрель “Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни”га бағишлаб ҳафталик ташкил этиш ва барча ташкилотларда нишонланишини ташкил этиш.

**60.** Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган меҳнат муҳофазасига оид Конвенциялари талаблари бажарилиши устидан мулк шаклидан катъий назар барча ташкилотларда мониторинг олиб бориш.

**61.** 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ишларида иштирок этиш, муносиб меҳнат мақсадига етишда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши учун тизимли чора-тадбирлар ижросини таъминлаш.

**62.** Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларни олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва ижро этилиши бўйича жамоатчилик назоратини олиб бориш.

**63.** Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига оид хорижий тажрибани ўрганиш, малака ошириш учун ривожланган давлатларга хизмат сафарларига бориш ҳамда тизимли ишларни ташкил қилиш.

## **VI. Ижтимоий кафолатлар, ижтимоий ҳимоя**

Ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, муносиб ҳаёт учун меҳнат қилиш шарт-шароитларини яратиб бериш мақсадида Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

**64.** Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш Стратегиясида қўйилган вазифалар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш.

**65.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2705-сонли Қарорини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш.

**66.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”ни амалга оширишга оид Давлат дастурлари бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш.

**67.** Ҳар бир маҳаллада ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бор шахслар, имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган, кам таъминланган ҳамда кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар йили “Наврўз” ва “Мустақиллик” байрамлари арафасида мақсадли умумхалқ хайрия ҳашарларини ўтказиш.

68. Жамоа келишувлари ва шартномалари орқали кам таъминланган оилаларга, кўп болали оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиб бориш.

69. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар Кенгаши ва Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан ёлғиз кексаларга, шунингдек “Саховат” ва “Мурувват” уйларига моддий кўмак чораларини қўллаш.

70. Давлат ижтимоий ёрдамларини, субсидиялар ёки имтиёзли кредитларни олувчи шахслар билан Ижтимоий контрактлар тузилишини таъминлаш.

71. “Саховат” интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатидаги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар йили бир марта Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар Кенгаши маблағлари ҳисобидан санаторийларда бепул соғломлаштиришни.

72. Нотинч ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Оилавий саёҳат” туристик пакетларни жорий этиш.

73. Фавқулодда ҳолатлар юзага келган тақдирда аҳоли учун Халқаро меҳнат ташкилотининг “Тинчликни ва қарши ҳаракат салоҳиятини таъминлаш мақсадида бандлик ва муносиб меҳнат тўғрисида”ги 205-сон Тавсияси асосида ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш.

## **VII. Маданий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш**

Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

74. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг фойдали ҳамда мазмунли хордиқ чиқаришларини ташкил этиш мақсадида маънавий-маърифий, маданий-оммавий ва спорт тадбирларини ҳамкорликда ўтказиш.

75. Даволаниш ва дам олиш учун замонавий шароитлар яратиш, санаторийлар ва дам олиш уйлари, шунингдек, болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ўринлар сонини кўпайтириш ҳамда уларни модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратиш.

76. Ходимларга жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун етарли шароитлар яратиб бериш (спорт майдончалари ташкил этиш, махсус спорт хоналарини ажратиш), турли спорт секциялари ва тўғаракларига жалб этиш, меҳнат жамоаларида ходимлар гимнастикасини жорий этиш ҳамда жисмоний тарбия жамоалари фаолиятини йўлга қўйиш.

77. Ҳар йили кам таъминланган ва кўп болали оилалар аъзолари, Чернобил АЭСидаги фалокатни бартараф этиш иштирокчилари, байналминалчи жангчилар, ишлаётган меҳнат фахрийлари ва ногиронлиги бор шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси олдида хизматлари бор шахсларнинг маълум миқдорини касаба уюшмалари санаторийларида бепул соғломлаштиришни кўзда тутиш.



78. Ёз мавсумида болаларнинг болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этишга қаратилган тизимли чоратадбирларни амалга ошириб бориш.

79. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида “Меҳрибонлик” уйлари тарбияланувчилари, шунингдек республиканинг экология жиҳатдан ноқулай минтақаларида истиқомат қилувчи болалар соғломлаштирилишига доимий равишда қўмаклашиш.

80. Иш берувчиларга ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар йили маданий дам олдириш ва соғломлаштиришларини ҳамда “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасидаги саёҳатлари учун шароит яратишларини тавсия этиш.

81. Ҳар йили “11 ноябрь Касаба уюшмалари куни” байрамини ҳар бир ташкилотда тантанали ва кўтаринки руҳда нишонланишини таъминлаш, ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш.

### **VIII. Аёллар ва ёшлар учун қўшимча кафолатлар**

Тарафлар аёллар ва ёшлар учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларга риоя этишни ва имтиёзлар беришни ўз зиммасига олган ҳолда қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

82. Аёллар ва ёшларга қўшимча имтиёзлар берилишини назарда тутувчи идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиш ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти конвенцияларига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқлиги нуқтаи-назаридан қайта кўриб чиқиш ҳамда уларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар бериш.

83. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус”и бўйича дастурларидан келиб чиқиб ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан:

ишлаётган ёшлар фаолиятидаги, олий ва касб-ҳунар таълими муассасалари талабаларида салбий ҳолатларни, жумладан, эртанги кунга ишонч сўнишининг олдини олиш, иш ҳақи, меҳнат шароитларидан миннатдорлик ҳиссини уйғотиш мақсадида ёшлар ўртасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини амалга ошириш.

ёшларнинг хорижий тил, компьютер саводхонлиги ҳамда замонавий билимларни мукамал эгаллашларига турли хил ўқувлар ўтказиш орқали қўмаклашиш, улар орасидан салоҳиятли ёшларни танлаб олган ҳолда кадрлар захирасини шакллантириш.

84. Жамоа шартномалари ва келишувларида қуйидагилар назарда тутилишини таъминлаш:

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини ташкилотларнинг ва улар таркибий бўлинмаларининг ваколатли шахси зиммасига юклатиш;

ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш;

хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликни бартараф этиш.

**85.** Жамоа шартномалари ва келишувларида аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш масалаларини назарда тутиш, шу жумладан:

хомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш;

болали аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш ва қисқартирилган иш вақтини ўрнатиш;

таълим муассасалари битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида қўшимча имтиёзлар ўрнатиш;

хотин-қизларнинг жисмоний фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш,

хотин-қизлар учун саёҳатларини ташкил этиб бориш;

узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй-жой қурилиши, шунингдек сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фоизсиз ссудалар бериш.

### **IX. Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш**

Тарафлар, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги муаммоларни маърифий йўл билан ҳал этиш услуби ҳисобланган ижтимоий мулоқот ғоясига содиқлигини эълон қилиб, ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

**86.** Касаба уюшмалари ва иш берувчилар бирлашмаларининг қонуний ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда тузилишига ва фаолият юритишига тўсқинлик қилинишига йўл қўймаслик.

**87.** Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, шунингдек пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари (кластерлар) иш берувчиларига касаба уюшмаси ташкилотини тузиш юзасидан тавсиялар бериш.

**88.** Норасмий тарзда банд бўлган, шунингдек мардикорлар ҳамда ўзини ўзи банд қилган фуқароларни касаба уюшмаларига жалб қилиш чораларини кўриш.

**89.** Ягона музокара жараёнини тадбиқ қилиш мақсадида қуйидагиларни тавсия этиш:

барча жамоа шартномалари ва келишувлари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказишни;

- корхона, ташкилот, муассасаларда жамоа шартномаларини эса – март ойидан кечиктирмай тузишни;

- жамоа шартномаларини бажариш якунларини касаба уюшмалари ва иш берувчилар ташкилотларининг қўшма мажлисларида, шунингдек, меҳнат

жамоаларининг умумий йиғилиш (конференция)ларида ҳар йили 1 апрелдан кечиктирмасдан кўриб чиқилишини.

**90.** Касаба уюшмаларининг қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни тавсия этиш:

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг мажлисларига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган масалалар кўриб чиқиладиганда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар Кенгаши ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси вакиллари таклиф этилишини;

бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раҳбарини корхонанинг бошқарув органларига киритилишини;

**91.** Долзарб ижтимоий иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш учун касаба уюшмалари фаоллари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси вазирликлар, идоралар вакиллари билан жамоатчилик эшитувларини ташкил этиб бориш.

**92.** Ходимларнинг ёзма аризалари мавжуд бўлганда касаба уюшмасининг тегишли ҳисоб варағига ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган касаба уюшмасига аъзолик бадаллари ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш

#### **Х. Келишувнинг амал қилиши, уни амалга ошириш механизми ва бажарилиши учун тарафларнинг жавобгарлиги**

**93.** Мазкур келишув 2023-2025 йиллар учун тузилган бўлиб навбатдагиси қабул қилингунга қадар амалда бўлади.

**94.** Тарафлар мазкур Келишувни ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб сиёсат олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб берувчи ижтимоий шерикликнинг асосий ҳужжати деб эътироф этадилар ҳамда мазкур Келишувга амал қилиш, унинг барча шартларини бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

**95.** Мазкур келишув имзолангандан сўнг Тарафлар келишувда белгиланган вазифаларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги барча давлат бошқаруви органларига ижро учун юборилишини, улар томонидан зарур чора-тадбирлар белгиланишини таъминлайди.

**96.** Мазкур келишувнинг айрим меъёрий ҳолатлари тармоқ, ҳудудий келишувларга ва жамоа шартномаларига киритиш орқали амалга оширилиши лозим.

**97.** Мазкур Келишувга имзо чеккан ҳар бир Тараф унинг мақсадлари рўёбга чиқарилиши учун ўз ваколатлари доирасида масъулиятни тан олади ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этишда ҳамкорлик қилиш мажбуриятини олади.

**98.** Тарафлар мазкур келишувнинг амал қилиш даврида қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:



а) ижтимоий-меҳнат муносабатларининг энг муҳим масалалари юзасидан Тарафларнинг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилишдан олдин ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказиш;

б) ҳар йили камида бир марта Келишув бажарилишининг бориши ва яқунларини муҳокама қилиб бориш.

99. Мазкур Келишувга имзо чеккан Тарафларнинг ҳар бири унга аввал олинган мажбуриятларнинг бажарилишига тўсқинлик қилмайдиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар беришга ҳақлидир. Ушбу таклифлар Тарафларнинг ўзаро розилиги билан қабул қилиниши мумкин.

100. Мазкур Келишув бажарилиши устидан назоратни ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича Тошкент шаҳар уч томонлама комиссияси амалга оширади.

2022 йил "28" декабрь да Тошкент шаҳрида тузилди.



Тошкент шаҳар ҳокими  
Ж.О. Артикходжаев

Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерациясининг Тошкент шаҳар  
Кенгаши раиси, Федерация раиси  
ўринбосари

С.Н. Аҳмедов



Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси  
Тошкент шаҳар ҳудудий  
бошқармаси бошлиғи

У.В. Джалилов

